

Риёзус солиҳийн / Риёзус солиҳийн / 220-ҳадис

1. 220. Абу Бакра Нуфайъ ибн Ҳорисдан розияллоҳу анҳу ривоят қилинади.

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: «Замон* Аллоҳ осмонлару ерни яратган кундаги ҳолатига қайтди. Бир йил ўн икки ойдир. Шулардан тўрттаси ҳарам ойлар бўлиб, учтаси кетма-кетдир: зулқаъда, зулҳижжа, муҳаррам ва жумодо билан шаъбон ўртасидаги Музарнинг (оий)* ражабдир», дедилар. Сўнг: «Бу қайси ой?» дедилар. Биз: «Аллоҳ ва Расули яхшироқ билади», дедик. Сукут қилдилар, ҳатто уни ўз номидан бошқа ном билан атасалар керак, деб ўйладик. «Зулҳижжа эмасми?» дедилар. «Ҳа», дедик. «Бу қайси юрт?» дедилар. «Аллоҳ ва Расули яхшироқ билади», дедик. Сукут қилдилар, ҳатто уни ўз номидан бошқа ном билан атасалар керак, деб ўйладик. «Балда* эмасми?» дедилар. «Ҳа», дедик. «Бу қайси кун?» дедилар. «Аллоҳ ва Расули яхшироқ билади», дедик. Сукут қилдилар, ҳатто уни ўз номидан бошқа ном билан атасалар керак, деб ўйладик. «Наҳр* куни эмасми?» дедилар. «Ҳа», дедик.

«Қонларингиз, молларингиз, ва шаън-обрўларингиз» сизлар учун ҳаромдир. Худди мана шу юртингиздаги, шу ойингиздаги мана шу кунингиз ҳарам бўлганидек. Тез орада Роббингизга йўлиқасиз, У Зот сизлардан амалларингиз ҳақида сўрайди. Мендан кейин ҳаргиз бир-бирининг бўйини чопадиган кофирлар бўлиб кетманглар. Огоҳ бўлинглар, ҳозир бўлганлар ҳозир бўлмаганларга етказсин. Шояд баъзи етказилганлар уни эшитганлардан кўра англовчироқ бўлса», дедилар. Кейин: «Огоҳ бўлинглар, етказдимми?**» «**Огоҳ бўлинглар, етказдимми?**» дедилар». Биз: «Ҳа, етказдингиз», дедик. Шунда у зот: «Аллоҳ, Ўзинг гувоҳ бўл», деб айтдилар».**

Муттафақун алаиҳ.

* «Замон» сўзи араб тилида «вақт» деган маънони билдириб, ҳар қандай қисқаю узун вақт учун ишлатилаверади. Бу ерда эса замон деганда йил назарда тутилган. Уларнинг Аллоҳ осмонлару ерни яратган кундаги ҳолатига қайтиши ҳаром ойларнинг ўз жойига қайтишидир. Жоҳилиятда одамлар ҳаром ойларнинг ўрнини ўзгартириб юборишар, уруш қилгилари келса, ҳаром ойни ҳалол қилиб олишар, уруш қилгилари келмаса, ҳалол ойни ҳаром ой қилиб олишар эди.

* Жоҳилият даврида Музар қабиласи ражаб ойини бошқалардан кўра кўпроқ улуғлагани учун шундай ҳам дейилган.

* Балда – Маккаи Мукарраманинг номларидан бири.

Манба: hadis.islom.uz

